O'ZBEKISTON
INV.№

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 10 октябр сешанба

Сотувда эркин нархда № 201 (2498)

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

2000 йил 7 октябр куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни комиссия Раиси Нажмиддин Комилов олиб борди.

Мажлисда бўшаб қолган ўринларга шу йил 22 октябр куни ўтказиладиган Олий Мажлис депутатлари сайловига тайёргарликнинг бориши ҳамда ушбу округлардан кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш масалалари кўриб чиқилди.

Сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органлари томонидан Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш юзасидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, Марказий сайлов комиссияси 128-Гулистон, 141-Жарқўрғон, 160-Паркент, 171-Чиноз, 174-Бешариқ, 189-Сўх сайлов округларидан жами ўн икки номзодни рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шунингдек, мажлисда номзодларнинг сайловолди ташвиқоти билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди. Сайловолди ташвиқоти юритишда қонун талаблари доирасида ҳаракат қилиш Олий Мажлис депутатлигига номзодларнинг, номзод кўрсатган органларнинг, округ ва участка сайлов комиссияларининг асосий вазифалари эканлиги уқтириб ўтилди.

Шунингдек, мажлисда Марказий сайлов комиссияси ваколати доирасидаги бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.



КОЛЛЕЖЛАР БАРПО ЭТИЛМОҚДА

Бугунги кунда юртимизда бунёдкорлик ишларига катта аҳамият берилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизда осмонўпар, замонавий биноларнинг бўй чўзаётганлиги фикримиз тасдиғидир. Ўзига хос табиатга эга бўлган Қашқадарёда ҳам ана шундай кўркам, ҳашаматли иморатлар сони йилдан йилга кўпаймоқда. Энг муҳими, вилоятнинг туманлари-ю, қишлоқларида қурилиш ва ободонлаштириш ишлари жадаллик билан давом эттирилаётир.



Вилоятдаги «Қашқадарёдеҳқонқурилиш» очиқ ҳиссадорлик жамияти жамоаси бу хайрли ишларда бошқош бўлмоқда. Жорий йилда Чироқчи туманидаги 900 ўринли касб-ҳунар коллежи жамият қурувчилари томонидан барпо этилиб, фойдаланишга топширилди. Айни чоғда улар Қамаши ва Шаҳрисабз туманларидаги касб-ҳунар коллежларининг қурилишини жадаллик билан олиб боришмоқда.

Яқин кунларда Шаҳрисабзда 1400 ўринли ва Қамаши туманида 900 ўринли касб-ҳунар коллежлари қад ростлайди.

СУРАТЛАРДА: Қамаши тумани марказида барпо этилаётган касб-ҳунар коллежининг қурилишидан лавҳа; қурувчилар бригадаси етакчиси Абдураим Худойқулов.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.

МУҲОКАМА МАВЗУИ:

ДАСТУР ИЖРОСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуининг жорий йил тўққиз ойи якунлари ҳамда "Соғлом авлод" Давлат дастури қандай бажарилаётганига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мажмуа таркибига кирувчи вазирлик, қўмита, уюшма, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари — хотин-қизлар қўмиталари раислари иштирок этдилар.

Йиғилишни Бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Ғуломова бошқарди.

Сўзга чиққанлар мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, маданий-маърифий ислоҳотларни чуқурлаштиришга мажмуа таркибига кирувчи идора ва ташкилотлар ҳам муносиб ҳисса қўшаётганлигини таъкидладилар. Хусусан, ўтган вақт мобайнида оилаларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоялаш, ёшларни ҳуқуқий, маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш борасида муайян ишлар бажарилди. Оилаларда тотувликни сақлаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаяпти. Жумладан, қарамоғида ногирон боласи бор ёки уч ёшгача фарзанди бўлган аёлларнинг оилаларига катта миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди.

"Соғлом авлод" Давлат дастури доирасида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, туғиш ёшидаги аёлларни тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказиш, уларнинг ўз саломатлигига бўлган масъулиятини оширишга қаратилган тадбирлар изчил бажарилмоқда.

Шу билан бирга, жойларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, диний ақидапарастликнинг ҳар қандай кўринишлари пайини қирқиш, ёш авлодни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш борасидаги ишларни янада жонлантириш зарурлиги қайд этилди. Балоғат ёшига етган қизлар онгида аёлнинг юксак маънавияти, никоҳнинг муқаддаслиги туйғуларини шакллантириш, улар ўртасида жиноятчилик ҳолларига чек қўйиш зарур.

(ЎзА).

Мана, учинчи йилдирки, Фарғона вилоятида олтиариқликларнинг олдига тушадиган пахтакорлару ғаллакорлар топилмаяпти. Улар сурункасига дон, пахта тайёрлаш шартнома режаларини вилоятда биринчи бўлиб уддаламоқдалар.

ОЛТИАРИҚЛИКЛАР ЯНА БИРИНЧИ

Лабзи ҳалол пахтакорлар бу йил эрта баҳорда яхши ният билан 9400 гектар майдонга барака уруғи қадашган эди. Ҳозиргача ҳар гектар ердан 31 центнердан, жами 29000 тоннадан зиёд қимматбаҳо саноат хомашёси йиғиб-териб олиниб, туман тарихида илк бор йиллик режа октябр ойининг дастлабки кунларида уддаланди. Бу ютуққа, айниқса, Кенжабоев номли, «Жўрак», Навоий номли, Отақулов номли, «Нуробод», «Тонг» жамоа хўжаликлари пахтакорлари муносиб ҳисса қўшдилар.



Олтиариқликлар эришилган ғалабанинг калити деҳқончилик қилинадиган ерлар ҳақиқий эгаларига топширилганлиги, ижара пудрати кенг йўлга қўйилиб, эртанги пахта етиштириш технологияси яхши ўзлаштириб олинганлигида, дейишмоқда. Ҳосилни сўнгги мисқолларигача териб олиш учун бошланган кураш эса бирор дақиқа ҳам сусайтирилгани йўқ.

Вилоятда биринчи бўлиб маррага етиб келган «Оқбўйра» ширкат хўжалиги деҳқонлари 400 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 31 центнердан ҳосил олдилар. Миришкорлар айни пайтда ҳосилдорликни 40 центнерга ва ялпи хирмонни 1600 тоннага етказиш ниятида тер тўкмоқдалар.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТЛАРДА: хўжалик бошқаруви раиси Абдуҳолиқ Холматов ҳосилдорликни 50 центнерга етказишга ахд қилган бригада етакчиси Одилжон Соттиевга мукофот топширмоқда; бригаданинг илғор теримчиси Сабохон Пирматова.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

ЎЗБЕК ТЕАТРИ ГЕРМАНИЯДА

Германиянинг Мюльҳайм шаҳрида 13 октябр куни ўзбек театри кунлари бошланади. Германиялик томошабинлар бир ҳафта давомида замонавий ўзбек театр санъатида анъанавийлик ва янги тажрибалар уйғунлашувига гувоҳ бўладилар.

Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Германиянинг машҳур "Ан дер Рур" театри билан бир неча йилдан бери ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ана шу ижодий жамоа раҳбари, таниқли театр арбоби Роберто Чули "Ипак йўли — театр саёҳати" лойиҳасини ишлаб чиққан. Ундан кўзланган мақсад Буюк Ипак йўлида жойлашган мамлакатлар театр санъатини тарғиб этишдан иборат. Мазкур лойиҳа доирасида Қарши шаҳрида икки марта халқаро муаллифлик театрлари фестивали бўлиб ўтди.

Айнан бу йилги фестиваль давомида Республика Ёш томошабинлар театрининг "Боз масхарабоз" ҳамда Қарши шаҳар "Эски масжид" театр-студиясининг "Қобил ва Ҳобил" спектакллари танлаб олиниб, Мюльҳайм шаҳрида ўтказиладиган ўзбек театри кунларида қатнашиш учун таклиф этилди.

Қаҳрамонлари масхарабозлар ва қўғирчоқлардан иборат "Боз масхарабоз" спектакли истеъдодли режиссёр Олимжон Салимовнинг фантазияси маҳсули, фикрни сўзсиз ифода этиш учун қилинган уриниш натижаси. Спектакль тўрт қисмдан иборат бўлиб, улар бир-бирига боғланмагандек туюлади. Лекин асарда ягона, тўлақонли бадиий мавзу борки, уни англаб олишни режиссёр томошабиннинг ўзига ҳавола этади.

"Қобил ва Ҳобил" спектакли Жорж Байрон поэмаси асосида яратилган. Авлиёқули Хўжақулиев саҳналаштирган ушбу асарда қотилликка қўл урган инсоннинг чеккан чексиз руҳий азобуқубатлари ифодаланади. Инсон бу дунёда ҳамиша яхшилик ва эзгулик учун яшаши лозим деган ғоя бутун томоша даврида ўз ифодасини топиб туради. Асар Мюльҳаймда "Театр — зўравонлик ва урушга қарши" шиори остида намойиш этилади.

Б. МАНСУРОВ, ЎзА мухбири.

ШУ СОНГА ХАБАР

ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАРНИНГ УЛКАН ҒАЛАБАСИ

Америка Қўшма Штатларида армрестлинг бўйича бўлиб ўтган IY жаҳон чемпионатида 46 мамлакатдан 370 нафар спортчи иштирок этди. Ўзбекистондан икки карра жаҳон чемпиони Умид Аҳмедов, Юсуф Қодиров, Мирзоҳид Шаропов ва Елена Шафранова қатнашди.

Ҳамюртларимиз эришган муваффақият чемпионатда катта шов-шувга сабаб бўлди. Улар бешта медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 46 жамоа ичида иккинчи ўринни эгаллашди.

Умид Аҳмедов 90 килограмм вазн тоифасида энг кучли эканлигини яна бир бор исботлади ва учинчи марта жаҳон чемпиони бўлди.

90 килограмм вазн тоифасида чап қўлда куч синашишда ўз рақиблари устидан ишончли ғалабани қўлга киритган ҳамюртимиз Юсуф Қодиров илк бор жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди.

Осиё чемпионлари — Мирзоҳид Шаропов ва Елена Шафранова жаҳон чемпионатининг кумуш медаллари соҳиби бўлди. Шунингдек, Умид Аҳмедов "чапақайлар" мусобақасида ҳам биринчи марта иштирок этиб, кумуш медални қўлга киритди.

Шундай қилиб, спортчиларимиз Ўзбекистонга иккита олтин ва учта кумуш медал олиб қайтдилар.

(ЎзА).

КЎП ТАРМОҚЛИ КОРХОНА

Республикамиз кичик хусусий корхоналари сафига яна битта янги — "Гидротех" корхонаси қўшилди. Мазкур кўп тармоқли корхона фаолиятида ҳали йирик маблағ ва катта имкониятларга эга бўлмаган ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган. "Гидротех" корхонаси мутахассислари кичик ҳақ эвазига гидротехник иншоотларни лойиҳалаштириш, суғориш тармоқлари, вертикал дренаж ўтказишни техник-иқтисодий асослаш ишларини бажаради, геодезик изланишлар билан шуғулланади, мелиораторларга тавсиялар беради, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ва Тошкент Давлат аграр университети талабаларига маслаҳат хизмати кўрсатади. Корхона фаолиятининг навбатдаги босқичида тадқиқот ишларини олиб бориш, дала шароитида ишлаётган мутахассисларга хизмат кўрсатиш кабилар кўзда тутилган. Зеро, фаолиятнинг ушбу тури ҳали шифокорлар томонидан етарлича ўрганилмаган. "Гидротех" директори, техника фанлари номзоди М.Қодированинг таъкидлашича, бу ерда ижтимоий масалалар ҳам ҳал этилмоқда: янги иш ўринлари, шу жумладан, нафақахўр ва ногиронлар учун ҳам иш ўринлари ташкил этилмоқда.

(ЎзА).

КАМЧИЛИКЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ

Самарқанд вилояти ҳокимлигида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда жойларда эришилаётган ютуқлар ва йўл қўйилаётган камчиликлар муҳокама этилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, Булунғур, Пастдарғом, Гўзалкент туманларида ислоҳотларни амалга оширишда сусткашликка йўл қўйилмоқда, айниқса, "Пастдарғом", Қўчқор Тўраев номли, "Ўзбекистон" сингари хўжаликларда пудратчилар билан ишлашда жиддий хатолар мавжуд. Кўплаб хўжаликларда шартномавий муносабатлар асосида иш юритилмаяпти, мулкчиликнинг янги шаклларига ўтиш жараёни секин бормоқда, деҳқонларнинг манфаатдорлиги паст. Натижада, бир неча йилдирки, бу хўжаликларда режалаштирилган ҳосил олинмаяпти.

Йиғилишда мавжуд камчиликларга барҳам бериш, муаммоларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

У. РЎЗИЕВ, ЎзА мухбири.

ЦЕМЕНТНИНГ БАҲОСИ ҚАНЧА?

Жаҳон тажрибасидан аёнки, бозор иқтисодиёти шароитида товар айланишида рўй берадиган турли монополистик кўринишлар (нархларни асоссиз равишда ошириш ёки пасайтириб юбориш, сунъий тақчилликларни келтириб чиқариш ва ҳоказолар) қонун йўли билан тақиқланади, ишлаб чиқарувчилар ҳамда истеъмолчиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари давлат томонидан кафолатланади.

Бу ўз-ўзидан тушунарли, албатта. Зотан, бозор муносабатларини шакллантириш ва янада чуқурлаштириш ҳар биримиздан алоҳида масъулият талаб этади. Ҳозирги кунда республикамизда ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, истеъмолчилар манфаатини ҳимоя қилиш бўйича зарур ҳуқуқий-меъёрий асослар яратилган. Уларга оғишмай амал қилиш, барча соҳада қонун устуворлигини таъминлаш ҳар бир жисмоний ва юридик шахснинг муҳим бурчи бўлмоғи лозим.

Бетга айтганнинг заҳри йўқ, дейдилар. Республикамизда қурилиш хомашёси тайёрлашга ихтисослаштирилган корхона ва ташкилотлар оз эмас. Уларнинг фаолиятини таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, гарчанд ишлаб чиқаришни ривожлантириш соҳасида сезиларли силжишга эришилаётган бўлса-да, мавжуд аҳвол кишини қаноатлантирмайди. Ижро ва тўлов интизомига қатъий риоя этмаслик молиявий нуқсонларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Мисол дейсизми? Марҳамат.

Яқинда Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, унинг Навоий, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ҳудудий бошқармалари томонидан назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш республика Кенгашининг тегишли рухсатномаси асосида «Қизилқумцемент», «Оҳангаронцемент», «Бекободцемент», «Қувасойцемент» ҳиссадорлик жамиятлари ҳамда «Ўзметкомбинат» акциядорлик бирлашмаси фаолияти ўрганиб чиқилди. Маълум бўлишича, ушбу корхоналарда цемент ва металл ишлаб чиқариш лойиҳа қувватларидан тўлиқ фойдаланилмаётир, маҳсулотларга шартномавий (эркин) нархларни шакллантириш талаб даражасида эмас. Аксарият ҳолларда маҳсулот истеъмолчиларга етиб боргунча нарх-навонинг ўзгариши ҳисобга олинмайди.

Ўткир тиғ остида

1999 йилда «Ўзметкомбинат» бирлашмаси лойиҳа қувватига нисбатан 22,1 фоиз, «Оҳангаронцемент» — 40, «Қизилқумцемент» — 48, «Бекободцемент» эса 62 фоиз ҳажмида ишлаган. Буни қаноатланарли ҳол, деб бўладими? Асло. Юқорида тилга олинган корхоналарда мавжуд ички имкониятлардан фойдаланишда икки хил манзара кўзга ташланади. Чунончи, жорий йилнинг 6 ойи мобайнида 1999 йилнинг айни шу даврига нисбатан ишлаб чиқариш ҳажми «Ўзметкомбинат» бирлашмаси, «Қувасойцемент», «Бекободцемент» ва «Оҳангаронцемент» ҳиссадорлик жамиятларида 11 фоиздан 51 фоизга ўсган бўлса, «Қизилқумцемент» корхонасида 10,6 фоизга камайтириб юборилган.

Бугунги кунда бозор иқтисодиёти талаблари билан ҳисоблашмасдан иш юритиб бўлмайди. Юқори самарадорликка эришиш учун замон билан ҳамқадам бўлиш, иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш муҳим аҳамиятга эгадир. Шу нуқтаи назардан қараганда, тармоқ корхоналарининг бугунги аҳволи қандай? Очиғи, технологик линиялар эскириб қолган, зарур эҳтиёт қисмлар етишмайди. Қолаверса, замон талабларига мос тадбиркорлик тизимини шакллантириш, ишлаб чиқаришга хорижий сармояларни жалб этиш масалалари эътибордан четда. Нахотки, бу ҳол корхона раҳбарларини ташвишлантирмаса?

Гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун, далилларга мурожаат қилайлик. «Қизилқумцемент» ҳиссадорлик жамиятида мавжуд учта технологик линиядан фақат биттаси, «Бекободцемент»да эса учта линиядан иккитаси ҳаракатланаяти, холос. Ваҳоланки, қувватлардан тўлиқ фойдаланиш, тармоққа хорижий сармояларни кенг жалб этиш арзон, сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришнинг муҳим гаровидир. «Оҳангаронцемент» ҳиссадорлик жамияти ва «Ўзметкомбинат» бирлашмаси фаолияти ўрганилганда, маҳсулот тайёрлашга мўлжалланган айрим унсурлар мавжуд эмаслиги, шунингдек, маҳаллий хомашё — қора металл чиқиндилари етишмаслиги кузатилди. Бу ҳол, ўз навбатида, цемент ва металл бозорида сунъий тақчиллик келиб чиқишига, ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасида нархларнинг кескин ўсишига ва ниҳоят, сохта тадбиркору воситачиларнинг кўпайишига олиб келмоқда.

(Давоми 3-бетда).

Шайх Муҳаммад Ҳишом Қаббоний:

ЎЗБЕКИСТОН ТИНЧЛИК ВА МЕҲР-МУҲАББАТ ДИЁРИ ЭКАН

Америка Олий Ислом Кенгашининг раиси, таниқли жамоат арбоби Шайх Муҳаммад Ҳишом Қаббоний 1945 йилда Ливанда туғилган. У ислом динининг бугунги кундаги йирик назариётчиси, нақшбандия тариқатининг кўзга кўринган намояндаларидан бири. Кимё соҳаси бакалаври, тиббиёт ҳамда ислом ҳуқуқи фанларининг докторидир.

Шайх Қаббоний Америкадаги "Мусулмонлар ҳамкорлиги" ҳаракати ва "Мусулмон" журналининг Президенти, "Ас-Сунна" жамғармаси ҳамда "Камилат" номли мусулмон аёллари ташкилотининг раиси, Америка инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг, шунингдек, АҚШ Давлат департаменти идорасининг диний эркинлик масалалари бўйича маслаҳатчиси.

Шайх ҳазратлари "Ислом арконлари ва иймон" комуси, "Нақшбандийнинг сўфийлик тариқати" ҳамда "Асрорсиз фаришталар ёки анъанавий мавзуга замонавий назар" каби асарларида ислом динининг бугунги кундаги энг долзарб масалаларини таҳлил этганлар.

Қаббоний жаноблари яқинда мамлакатимизда бўлиб, қадимий шаҳарларимизни, аждодларимизнинг муборак қадамжоларини зиёрат этди, диний маърифатни юксалтириш борасида амалга оширилаётган бугунги хайрли ишларимиз билан танишди. Биз шайх ҳазратлари билан суҳбатлашдик.

— Шайх ҳазратлари, аввало, юртимизга қилган ташрифингиз сизда қандай таассурот қолдирди?

— Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракатуҳ.

Аллоҳ таолога ҳамду санолар, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаллам ва у кишининг оила аъзоларига дуруду саловатлар бўлсин.

Мен юртингизда кўрганларим ҳақида гапиришдан олдин муҳим бир воқеани эсга олсам жуда ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти муҳтарам Ислом Каримов жаноблари шу йил сентябр ойи бошларида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Мингйиллик саммити"да қатнашиш учун Нью-Йорк шаҳрига борганларида, ўзларининг қимматли вақтларини ажратиб, биз билан учрашдилар ва ниҳоятда мамнун этдилар.

Биз Ислом Каримов жаноблари билан мулоқотда бўлиб, у кишининг сўзи билан иши бир, иймон-эътиқоди юксак зот эканига амин бўлдик. Бу — чинакам исломий учрашув эди, десам, асло муболаға бўлмайди. Самимий руҳда кечган суҳбат чоғида у киши АҚШдаги мусулмонларнинг фаолияти ҳамда ислом динининг инсоният ҳаётидаги бугунги ўрни ҳақидаги бизнинг нуқтаи назаримиз билан қизиқдилар. Биз соф ислом динининг, исломий даъватнинг мақсади ва моҳияти, турли динлар ва мазҳабларни ўзаро яқинлаштириш, улар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, ҳозирги мураккаб вазиятда энг муҳим муаммоларни ҳал этиш борасида кучларни бирлаштириш, мусулмон ҳамда мусулмон бўлмаган мамлакатларнинг, эл ва элатларнинг, инсонларнинг ўзаро дўстона яшаши ҳақида атрофлича фикрлашдик.

Президент жаноблари ислом динининг инсонларни маънавий-маърифий жиҳатдан тарбиялашдаги ўрнига юксак баҳо бериб, мамлакатингизда миллий, диний, тарихий қадриятларни тиклаш юзасидан амалга оширилаётган хайрли ишлар ҳақида гапириб бердилар.

Айниқса, Президентнинг "Худо хоҳласа, Ўзбекистонда ислом дини яна гуллаб-яшнайди. Ислом маданиятининг бешиги бўлган Ўзбекистон, хусусан, Самарқанд ва Бухоро бугун қайтадан туғилди. Кўҳна масжидлар таъмирланмоқда, мадрасалар очилмоқда, янги университет ва масжидлар бунёд этилмоқда. Бизнинг диёримизда ислом дини тинчлик ва эзгулик дини сифатида қайтадан қарор топмоқда", деган сўзларини тинглар эканмиз, у кишига нисбатан ҳурмат-эҳтиромимиз янада ортди. Гарчи биринчи марта учрашиб турган бўлсак-да, орамизда кўп йиллардан буён давом этиб келаётган руҳий яқинлик борлигини қалбан ҳис этдик. У кишининг ислом динига бўлган эътиқоди ва меҳр-муҳаббатининг теранлигидан беҳад қувондик.

Мен шу йилнинг 15-16 сентябри кунлари Тошкентда ЮНЕСКО раҳнамолигида ўтган "Жаҳон динлари — тинчлик маданияти йўлида" мавзуидаги халқаро анжуманда иштирок этиш учун юртингизга келдим. Сафарим давомида мамлакатингизда бўлаётган буюк ўзгаришларни ўз кўзим билан кўрдим. Бу ерда амалга оширилаётган ишлар юртбошингиз бизга сўзлаб берганларидан ҳам юз чандон зиёда.

Ўзбекистон том маънодаги тинчлик ва меҳр-муҳаббат диёри экан.

Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарларида бўлган пайтимизда, масжидлар, мадрасаларга бордик, номозхонлар билан мулоқот қилдик, бошқа динларнинг вакиллари билан ҳам учрашдик. Шу тариқа мен бир нарсага иқрор бўлдимки, сизлар турли динларни одамларни бир-биридан айирадиган, уларни бир-бирига ғаним қилиб кўядиган таълимот, деб эмас, балки инсоний иймон-эътиқодни мустаҳкамлайдиган, тинчлик ва хотиржамликни, ўзаро тотувлик ва меҳр-мурувватни барқарор этадиган илоҳий восита, деб билар ва шунга амал қилар экансизлар. Дарҳақиқат, ҳеч бир дин ёвузлик, қонхўрлик, бузғунчиликни тарғиб қилмайди. Бинобарин, диндан сиёсий мақсадларда, шахсий манфаат йўлида фойдаланишга уриниш — энг катта гуноҳдир.

— Шайх ҳазратлари, сиз "соф ислом дини", "исломий даъват" сингари ибораларни тилга олдингиз. Бугунги кунда бу ибораларни турлича талқин қилувчилар кўп учрайди. Ҳатто уни диний ақидапарастликнинг шиорига айлантириб олган ва мусулмон оламини бир ярим минг йил орқага қайтаришга уринаётган кучлар ҳам мавжуд. Аслида бу иборалар қандай маъно-мазмунга эга?

— Дарвоқе, муҳтарам Президентингиз билан суҳбат пайтида ҳам шу масалага алоҳида эътибор берган эдик. Маълумки, Аллоҳ таоло бандаларнинг мансаби, бойлиги, миллати, ирқи ва жинсига эмас, энг аввало, уларнинг қалбига қарайди, қалбига қараб баҳо беради. Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи вассаллам "Аллоҳ таоло сизларнинг суратларингизга, яъни ташқи кўринишингизга эмас, балки қалбингизга қарайди", деб марҳамат этганлар. Зеро, Аллоҳга муҳаббат ҳам, динга эътиқод ҳам қалбда туғилади ва камол топади. Агар қалб пок ва тоза бўлса, банда ҳам яхшилик ва покизалик йўлида бўлади.

Жаноби Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи вассаллам яна бир муборак ҳадисларида "Албатта ишлар ниятга қараб бўлади", яъни ҳар бир иш ниятдан бошланади, деганлар. Покиза ният эса пок қалбда пайдо бўлади. Агар инсоннинг нияти тоза бўлса, унинг амали ҳам, демакки, дини ҳам соф бўлади.

Ислом динининг асл мақсади, моҳияти ва талаби эса инсоннинг кўнгли ва шуурини ҳар хил иллатлардан тозалаш, фориғ этишдан иборатдир.Бу — бугунги кунда ҳам динимизнинг асосий ва бош вазифасидир. Исломий даъват ҳам инсонларни бузғунчиликка, қўпорувчиликка, парокандаликка эмас, иймон-эътиқодга, инсофу диёнатга, ўзаро меҳр-муҳаббатга чорлаши лозим.

Ислом Каримов жаноблари билан бизнинг бу хусусдаги фикримиз ҳам бир жойдан чиқди. Муҳтарам Президент ҳам (Аллоҳ умрларини узоқ қилсин ва омонликда сақласин) диёрингизда ислом динига Аллоҳга чуқур эътиқод, меҳр-муҳаббат, хотиржамлик билан суғорилган дин сифатида амал қилинишини хоҳлар эканлар. Бу — жуда олижаноб мақсад.

— Кейинги пайтларда дунёнинг турли ҳудудларида ўзларининг разил мақсадларини муқаддас ислом дини ғоялари билан ниқоблашга ҳаракат қилаётган террорчилик ҳаракатлари пайдо бўлаётганини, сизнингча, қандай изоҳлаш мумкин?

— Бу масала юзасидан фикримни очиқ-ойдин изҳор этишни ўз бурчим, деб биламан. Энг аввало, шуни айтиш керакки, ислом дини биродарлик, меҳр-муҳаббат ва раҳмдиллик дини бўлиб, террорчилик ва бузғунчиликнинг ҳар қандай кўринишини рад этади ва кескин қоралайди. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом диний эркинликни эътироф этувчи дин билан келган, у кишининг бирор куни бузғунчилик билан ўтмаган. Аллоҳ таолонинг у кишига нисбатан айтган "Дарҳақиқат, Биз Сизни барча оламларга фақат раҳмат қилиб юбордик" деган ояти каримаси бунинг яққол далилидир.

Яъни, Аллоҳ таоло Пайғамбаримизни бандалари ва умматларига ўзининг раҳматидан юборган. "Раҳмат" сўзи ишлатилган жойда эса, шафқатсизлик, қаҳр-ғазаб, террорчилик каби мудҳиш тушунчаларга асло ўрин йўқ.

Бугунги кунда намоён бўлаётган диний ниқобдаги террорчилик ва турли бузғунчилик хатти-ҳаракатлари ислом номидан гапириб, ёвуз мақсадларни оқлашга уринишдан ўзга нарса эмас.

Тўғри, баъзи ислом мамлакатлари ва араб давлатларидаги муаммоларнинг негизи иқтисодий мақсадларга бориб тақалади. Муайян бир гуруҳлар тез бойиб кетишни хоҳлайди, шу боис қурол-яроғ, гиёҳванд моддалар сотиб, бирданига катта фойда кўрмоқчи бўлади, ўзларининг ёвуз ниятларига етиш йўлида фитна-фасод уруғини сочади, ҳар қандай воситаларни ишга солишдан ҳам тоймайди. Лекин кўпгина араб давлатларида бундай ишларга йўл берилмайди, аксинча, улар қонуний тарзда жазоланади. Шунинг учун бундай ёвуз кучлар эндигина ўз мустақиллигига эришган давлатларга яқин ҳудудларга келиб, исломни ниқоб қилиб, одамларнинг тушунчасини ўзгартириш, уларнинг тинчини бузиш орқали қора ниятларини амалга оширишга интилади.

Шунинг учун ҳам баъзи араб давлатлари ҳудудида пайдо бўлган, аммо ҳукуматнинг таъқибига учраган айрим диний ниқобдаги террорчи партия ва ташкилотлар эндиликда Марказий Осиё мамлакатлари атрофида қузғунлар галасидек уя қуриб олган. Уларнинг асл мақсад-муддаоси соф ислом динига мутлақо тўғри келмайдиган ғайриисломий назариялар, очиқроғи, террорчилик асосига қурилган. Улар ўзларича ислом халифалигини тиклашни даъво қиладилар. Лекин бугунги кунда халифаликни янгидан қуриш мумкин эмас. Агар улар чиндан ҳам халифалик қурмоқчи бўлсалар, нега ислом дини пайдо бўлган Яқин Шарқда — араб ёки ислом давлатларида бу ишни амалга оширмайдилар? Борсинлар, ўз юртларида амалга оширсинлар. Бировнинг юртида фитна-фасод, террорчилик уруғини сочмасинлар.

Шунинг учун комил ишонч билан айтамизки, Марказий Осиё давлатлари атрофида ўралашаётган кучларнинг ислом динига мутлақо алоқаси йўқ. Замонавий иборани қўллайдиган бўлсак, улар уюшган мафиядан — жиноятчилар тўдасидан бошқа нарса эмас. Бу мафиянинг ислом дини номидан иш кўриб, муқаддас динимизнинг обрў-эътиборига, асл инсоний моҳиятига доғ тушираётгани ғоятда ачинарлидир. Яна қайтариб айтаман, уларнинг бош мақсади гиёҳванд моддалар, қурол-яроғ сотиш орқали бойлик орттириш ва ҳокимиятни эгаллашдир.

Шунинг учун биз, мусулмонлар, ислом уламолари, Аллоҳнинг муҳаббатидан юз ўгириб, шайтоний қутқуларга учган бундай кимсаларнинг даъволарини ҳам, хатти-ҳаракатларини ҳам кескин рад этамиз ва қоралаймиз.

Пайғамбаримиз Маккада исломий даъватларини бошлаган пайтда ҳам асло уруш эълон қилмаганлар. У киши фақат тавҳидга (Аллоҳнинг ягоналигига иймон келтиришга), "Ла илаҳа иллаллоҳ" калимасини айтишга чақирганлар. "Агар бу калимани айтмасанг, ўлдираман" демаганлар. Ҳеч кимни қон тўкишга чорламаганлар, ҳеч кимга қилич ҳам кўтармаганлар. Мадинага борганларида мушриклар бостириб келгандан кейингина ҳимояланиш мақсадида урушга чиқишга мажбур бўлганлар. Такрор айтаман, биринчи бўлиб уруш эълон қилмаганлар.

Шунинг учун ислом таълимоти - маданий таълимотдир. Ислом таълимоти инсонларга асло бомба ташлаш, портлатиш, бегуноҳларни ўлдириш эмас, балки таълим-тарбия ва маърифат орқали сингдирилади.

Бежиз эмаски, Қуръони Каримнинг Аллоҳ таоло томонидан биринчи нозил этилган сураси "Сени яратган Парвардигоринг номи билан ўқи" деган оят билан бошланган. Демак, Ислом — илм таълимоти. Агар биз пок исломни хоҳласак, унга фақат илму маърифат йўли билан эришишимиз лозим.

Такрор айтаман, юртингизга бостириб кирмоқчи бўлаётганлар ислом жонкуярлари эмас, улар қурол-яроғ, гиёҳванд моддалар сотиб, бойлик орттиришни кўзлаган кимсалардир.

— Баъзи мутаассиблар дунёвийликни, илм-фан тараққиётини дахрийликка йўймоқдалар. Сиз бунга қандай қарайсиз?

— Бу масала жуда кўпчиликни қизиқтиради. Мен бир нарсани алоҳида таъкидламоқчиман. Ислом дини дунёвий илмларни ўрганишни ҳеч қачон инкор этмаган. Аксинча, барча дунёвий илмларни ўрганишга буюради. Сабаби — ислом дини бу дунё учун ҳам, у дунё учун ҳам келган диндир. Шу боис, Пайғамбаримиз "Чиндан бўлса ҳам илм изланглар", деганлар. Ўйлаб кўрайлик, бу сўз айтилган даврда Чинда (Хитойда) қанақа илм мавжуд эди? Албатта, у ердаги илм исломий эмасди. У ерда ислом дини бўлмаган. Демак, Пайғамбаримиз ўз ҳадисларини "Аллоҳнинг юртларига сафар қилиб, араблар билмайдиган илмларни ўрганинглар, токи ўз миллатингиз, халқингиз ушбу илмлардан фойдаланисинлар", деган маънода айтганлар. Шунинг учун ҳам ислом дини эркак ва аёлларни бирдек илм ўрганишга чақиради.

Бизда, Америкада мусулмон аёллар ҳамма соҳада иштирок этадилар. Улар университетларда ўқийдилар, завод-фабрикаларда, масжид ва мадрасаларда, шифохоналарда ишлайдилар, замонавий илмларни, компьютер ва техника сирларини, шу билан бирга, исломий билимларни ҳам ўрганадилар.

Мен баъзи давлатларда аёлларнинг илм ўрганиши, ишлаши ман қилинаётганини кўриб таажжубдаман. Чунки, диний нуқтаи назардан ҳам, замонавий нуқтаи назардан ҳам аёл-эркак ўзаро тенгдир. Биз бу ҳақиқатга ишонамиз ва унга амал қиламиз.

Чунки Аллоҳ таоло ҳаммани тенг қилиб яратган. Пайғамбаримиз ҳам "Одамлар тароқнинг тишларидек тенгдир", деганлар. У киши, эркакларни алоҳида ажратмасдан "одамлар" деб айтганлар. Демак, бу сўзлари эркакка ҳам, аёлга ҳам тегишлидир.

— Айрим кимсалар "Номозни ундай ўқиш керак, бундай ўқиш керак", деб ўзларича билағонлик қиладилар ёки кийиниш, юриш-туриш борасида ўрта асрлардаги анъаналарга амал қилиш кераклигини айтиб, мусулмонлар ўртасида фитна чиқаришга уринадилар. Аслида иймон-эътиқод мустаҳкамлиги, тақводорлик нима билан белгиланади?

— Очиғини айтсам, бу хусусда узоқ гапириш, бу мавзуда кўплаб китоблар ёзиш мумкин. Бу ўринда ўзимнинг баъзи мулоҳазаларимни айтиб ўтиш билан кифояланаман.

Мен Президентингизнинг "Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда" номли китобини ўқиганимда, бу кишининг қалбан ҳам, жисман ҳам ҳақиқий мусулмон эканига ишондим. У кишининг исломга эътиқоди чин юракдандир.

Аёлларнинг либоси масаласига келсак, уларнинг ҳижобда ёки ҳижобсиз юриши Аллоҳ таолога ҳаволадир. Чунки Пайғамбаримиз «Кимки «Ла илаҳа иллалоҳ» деса, у жаннатга киради, у — мусулмон», деганлар.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, биз ҳижоб киймаган кимсани, диндаги баъзи нарсаларга риоя қилмаган кишини четга суриб қўёлмаймиз. У, барибир, мусулмондир. Уни кофир, деб атамоқ, жиноятчига чиқармоқ, "уни ўлдириш керак, унинг давлатини олиб қўйиш керак" дейиш мутлақо нотўғри. Бу — шаръан ҳаром ишдир.

— Кейинги йилларда баъзилар "Мен олимман, уламоман" деб, ёшларни ҳужраларга тўплаб, ўзларича ислом динидан сабоқ бермоқдалар, фатво чиқариб, одамлар ўртасида низо ва нифоқ қўзғамоқдалар. Бундай хатти-ҳаракатларни ислом нуқтаи назаридан қандай баҳолаш мумкин?

— Минг афсуслар бўлсинки, бу нарса кейинги пайтларда ҳамма жойда кенг ёйилган. Хусусан, ўзимиз ҳам Америкада уларнинг қилмишидан азият чекмоқдамиз. Улар ўзларини "уммат уламолари" деб атайдилар, масжидларга бориб, одамларнинг намоз ўқишини кузатадилар, сўнг уларнинг исмини ёзиб оладилар. Бу ҳол икки-уч бор такрорланади. Кузатилаётган киши беш вақт намозини адо этадиган, тақводор бўлса, кузатиб юрган кимса унга яқинлашиб, "Тўрт-беш кишилик жамоат тузмоқчимиз", дейди ва ўзининг гуруҳига таклиф этади. Бу — уларнинг тузоғи.

Жамоа тузганларидан сўнг ҳалиги ишонувчан кишиларга асл исломни эмас, ўзлари хоҳлаган, ўзларига керакли илмни ўргатадилар, кейин эса қурол ишлатишга, қўпорувчиликка бошлайдилар. Шу тариқа бу содда одамлар жиноятчи, террорчи бўлиб қолаётганини сезмайдилар. Бу кичик жамоа одатда ўзларини ким бошқараётганини билмайди ҳам.

Одамларни ана шундай ғаразли мақсад йўлида тўплайдиган, уларни ислом дини номидан йўлдан оздирадиган кимсалар бутун мусулмонларнинг, ҳатто, Аллоҳнинг ҳам душманидир.

Президент Ислом Каримовнинг бугунги сиёсати ҳадис илмининг саркари Имом Бухорий, нақшбандия тариқатининг имоми Баҳовуддин Нақшбанд ва бошқа улуғ уламолар етишиб чиққан, илм ривож топган Ўзбекистон заминида, замонавий тил билан айтганда, дипломли, шаҳодатномаси бўлган, нима тўғри, нима нотўғрилигини чуқур биладиган кўплаб ҳақиқий уламоларни етиштириб чиқаришга қаратилгани жуда катта хайрли ишдир.

Афсуски, бугунги кунда"Олимман" деганларнинг ҳаммаси ҳам олим эмас. "Мен биламан" деган киши аслида жоҳилдир. Пайғамбаримиз "Уламолар — пайғамбарларнинг меросхўрлари" деб бежиз айтмаганлар. Бу ҳадиснинг маъноси шуки, иймонли, диёнатли, билимли уламолар халқни Расулуллоҳнинг изидан адаштирмасдан бошлаб борувчилардир.

Олимликка даъво қилгувчи кишилар энг камида 13 йил шаръий мадраса кўрган бўлиши керак. Токи, улар олиму фозил бўлиб чиқиб, ислом динини мукаммал ўргатишга қодир бўлсинлар.

"Мен олимман" деб йўлдан адашган кишига эргашиш мумкин эмас. Ундай кимсалар кишиларнинг фикрини бузиб, йўлдан адаштирадилар ва жамиятга тартибсизлик, ташвиш олиб келадилар.

— Сўнгги даврларда пайдо бўлган исломий ҳаракатлар террорчилик, боскинчилик борасидаги кирдикорларини "Жиҳод" номи билан асослашга уринадилар ва шу тариқа ўзларини ислом динининг ҳимоячилари қилиб кўрсатмоқчи бўладилар. Буни сиз қандай изоҳлаган бўлардингиз?

— Бу саволларга Пайғамбаримизнинг жиҳод ҳақидаги ҳадисларида жавоб берилган. Яъни, қаердаки номоз, закот, эркин ибодат ман қилинмаган экан, бу ердаги тартиб-қоидага умуман қарши бориш мумкин эмас. Чунки у сенга ўз юртингда ибодат қилиш озодлигини бериб қўйибди.

Мен Ўзбекистонда шу нарсани кўрдимки, масжидларга борганимда, бирон кимса бирор кимсадан "Нега масжидга келдинг, нега номоз ўқияпсан, сен кимсан?" деб сўрамади. Хоҳлаган киши бемалол ибодатини қилаяпти, номозини ўқияпти. Модомики, шундай экан, бу юртда жиҳод эълон қилиш у ёқда турсин, ҳатто "жиҳод" сўзини тилга олишнинг ўзи ҳам гуноҳдир. Савол туғиладики, агар сен бу юртда бемалол номоз ўқисанг, бемалол Қуръон ўқисанг, бемалол рўза тутсанг, кимга қарши душманлик қилмоқчисан, кимга қарши жиҳод этмоқчисан? Мусулмонларга қаршими? Агар кимнинг кўнглида шундай мақсад бўлса, у аввало, Аллоҳнинг, ислом динининг, барча мўмин-мусулмонларнинг ғанимидир.

Мен кўчада юрганимда ҳам, Ислом университетида бўлганимда ҳам миллий либосдаги кўплаб аёлларни, қизларни кўрдим. Бу — яна бир бор мамлакатингизда дин эркинлиги таъминланганидан — муслималарнинг ўз хоҳиш-иродасига биноан эътиқод қилиши учун барча шарт-шароит мавжудлигидан далолатдир. Биз, мусулмонлар, масъуллар шу нарсага шоҳидлик берамизки, бу юрт — Президент Ислом Каримов бошчилигидаги ҳақиқий ислом юртидир. Мен Ислом университетида бўлган пайтимда талабалардан, Пайғамбаримиз ўз ҳадисларида "Ҳукмдорларни дуо қилинглар", деб буюрилганидек, ҳар куни беш вақт номозда Президентнинг ҳақига дуо қилмоқ, у зотнинг халқни бошқаришида, халқ манфаатлари йўлида хизмат қилишида у кишига Аллоҳдан узоқ умр, куч-қувват бағишлашини сўрашингиз фарздир, дея талаб қилдим.

— Шайх ҳазратлари, бизнинг мамлакатимизда сизни яна нималар мамнун этди? Шу ҳақда гапириб берсангиз...

— Ўзбекистонда кўп хайрли ишларни кўриб бениҳоя хурсанд бўлдик. Бир мисол келтирай. Биламизки, бу юртда ислом дини етмиш йилдан зиёд вақт давомида тақиқланган эди. Бу ерда бирон кишининг бемалол номоз ўқиши, Қуръон тиловат қилиши, ибодатнинг бошқа рукнларини адо этиши, исломий билимларни ўрганиши учун ҳеч қандай шароит йўқ эди. Мана шу етмиш йилдан зиёд вақт мобайнида, ҳар ўн йилга ҳисоблаганда, еттита авлод дунёга келди ва уларнинг аксарияти диний таълимотдан баҳраманд бўла олмади.

Бу гапларни нега айтаяпман? Эслаб кўринг, Пайғамбаримиз исломни ёйиш учун юборилган пайтларда одамлар ғирт кофир бўлиб, санамларга сиғинарди. У киши ислом динини мукаммал жорий этишлари учун 23 йил керак бўлди. Шунинг учун Пайғамбаримиз даъватларидан 23 йил ўтганидан кейин Аллоҳ таоло "Бугун мен Сизнинг динингизни комил қилдим, неъматини бенуқсон, тўкис қилиб бердим ва сизлар учун (фақат) исломни дин қилиб танладим", деган. Сизнинг юртингизда 70 йилдан зиёд вақт давомида дахрийликка асосланган тузум ҳукмрон бўлиб келди ва мустақилликка эришилганидан сўнгги 9 йил мобайнида эса муқаддас динимиз тикланиб, ўзининг асл ҳолига келди. Бунинг биринчи сабаби — мустабидлик замонида ҳам ўзбек халқининг қалбида иймон-эътиқод сақланиб қолганлиги бўлса, иккинчиси — истиқлол даврида халқ сайлаган давлат раҳбарининг виждон эркинлигига кенг йўл очиб берганидир. Бу ҳам Аллоҳ таолонинг карами ва мўъжизаларидандир.

Мен Президентингизнинг исми шарифи Ислом Каримов эканини илк бор эшитганимда ҳайратда қолган эдим. Чунки, ўзингиз ўйлаб кўринг, у киши бундан 62 йил муқаддам коммунистик мафкура тазйиқлари ўта авж олган бир замонда туғилганлар. Тушундимки, Президентингизнинг оталари иймон-эътиқоди собит ва мустаҳкам одам бўлган. Шу боис ислом дини тақиқланиб, диндорлар аёвсиз қирғин этилаётган, масжиду мадрасалар вайрон қилинаётган қаттол бир замонда ҳеч нарсадан қўрқмай, чўчимай, фарзандига улуғ бир исмни — Ислом номини қўйганлар. Энди бутун дунё кўриб турибдики, оталарининг покиза ниятлари рўёбга чиқиб, фарзандлари у кишининг умидларини оқлади, охир-оқибат мана шундай муборак исм соҳиби бўлган инсоннинг саъй-ҳаракатлари билан бу мамлакатда ислом дини яна ўз мақомига эга бўлди.

Шунинг учун ишонч билан айтаманки, Президентингиз бу юртда халқингиз юрагига Аллоҳ таоло томонидан солинган илҳомдир. У кишининг қалби диёрингизга ислом динининг равнақи ва гуллаб-яшнаши учун юборилган. Шу боисдан ҳам у зот комил мусулмон бўлганидан, ҳамма ерда масжидлар очтирдилар. Шўро даврида атиги 70 та масжид бўлган мамлакатда уларнинг сони бугунги кунда қарийб 2000 тага етибди. Буларнинг ҳаммаси Президентингизнинг пойқадами баракали ва хайрли эканидан далолатдир. Менинг бу мамлакат ҳақидаги энг илиқ таассуротим шундан иборатки, яқин келажакда Ўзбекистонда олижаноблик билан йўғрилган ислом дини — хотиржамлик ва тинчлик дини янада мустаҳкам қарор топади. Ёмонлик эмас, яхшилик ва эзгулик уруғлари янада кўпроқ сочилади. Мамлакатингиз, иншоолло, гуллаб-яшнайди.

Биз, Америка мусулмонлари, Олий Кенгашининг масъуллари Президентингизнинг мана шу қутлуғ йўлдаги ҳар бир фаолиятини қутлаймиз ва ҳар доим қўллаб-қувватлаймиз. Аллоҳ субҳона ва ҳувва таолодан Президентингизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва юртингизга равнақ, барча улуғ ишларингизга муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Қуддус АЪЗАМ суҳбатлашди.
Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

Қонун лойиҳаси — муҳокамада

ҲАҚИҚАТ ВА АДОЛАТ КАФОЛАТИ

Суд ислоҳоти ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти шаклланишида алоҳида ўрин тутади. Демак, суд ислоҳотига унинг кучли ҳокимиятини ташкил этиш заруратидан келиб чиқиб, ёндошиш зарур. Чунки ўз фаолиятини демократия ва қонунийликни таъминлашга йўналтирган суд ҳокимиятигина давлат номидан одил судловни амалга ошириши мумкин. Масалага ана шундай нуқтаи назар билан ёндошганда, айтиш жоизки, «Судлар тўғрисида» илгари қабул қилинган қонун ҳозирга келиб кўп жиҳатдан талабга жавоб бермай қолди. Бу ўз навбатида янги муҳим ҳужжат қабул қилинишини тақозо этарди.

Шу боис Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ учинчи сессиясида биринчи ўқишда маъқулланган «Судлар тўғрисида»-ги Қонун лойиҳаси жойларда синчиклаб ўрганилмоқда, муҳокама қилинмоқда.

Мазкур Қонун лойиҳаси 5 бўлим, 9 боб ва 84 моддадан иборат. Унда бугунги суд тизими қандай бўлиши кераклиги, умумий юрисдикция судлари, хўжалик судларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ваколати аниқ кўрсатилибгина қолмасдан, балки уларнинг интизомий жавобгарлиги, ижтимоий ҳимояси ҳам ўз ифодасини топган.

Лойиҳанинг 4-моддаси, 2-абзацида «Суднинг фаолияти қонун устиворлиги, ижтимоий адолатни, фуқаро тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилган», деб кўрсатилган. Бизнингча, «тотувлиги» деган сўздан сўнг **«одиллик ва инсонпарварлик принципларига амал қилган ҳолда»** деган жумлани ҳам қўшиш керак.

Шунингдек, 8-модданинг охирги иккинчи қаторида «Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳам суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эга», деб таъкидланган. Ушбу ҳолатга **«корхоналар»** деган сўздан аввал **«Мулк шаклидан қатъий назар»** деган сўзлар киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Қонуннинг 28-моддасида фуқаролик ишлари таркибида суд раёсати ҳамда судлов ҳайъатидан иборат таркибда, жиноят ишлари бўйича ҳам суд раёсати ва судлов ҳайъатидан иборат таркибда иш олиб борилиши кўрсатилган. Лойиҳанинг 33-моддасида эса Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди раёсат аъзолари ҳамда судлов ҳайъатининг раислари ким томонидан тақдим қилиниши, қай тартибда сайланиши ёки тайинланиши кўрсатилмаган. Шундай экан, 33-моддага суд раёсати аъзолари ва судлов ҳайъати раисларини сайлаш ёки тайинлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди раиси, вилоят суди ва Тошкент шаҳар суди раислари Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумига тақдимнома киритиш билан суд раёсати аъзолари ва судлов ҳайъати раисларига номзодлар тақдим қилиш ҳуқуқига эга эканлиги алоҳида банд қилиб киритилса, маъқул бўлар эди.

Лойиҳанинг 59-моддасида «Судьялар қонунга мувофиқ одил судловни амалга оширишга ваколат берилган шахслардир» деб кўрсатилган. Ушбу ҳолат «Судьялар қонунга мувофиқ одил судловни **одиллик, инсонпарварлик принциплари асосида** амалга оширишга ваколат берилган шахслардир» деб тўлдирилса, мазкур модда янада кенгроқ қамровга эга бўлади.

Янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини қабул қилиш, одил судловни амалга ошириш сифати ва тезкорлигини, қабул қилинган суд қарорларининг адолатли бўлишини таъминлайди.

Рустамжон ИМОМОВ,
Андижон вилояти Адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари.



«Пахта — 2000»

ИБРАТЛИ ТАШАББУС

Пахтакор тумани деҳқонлари пахтани ҳашарчиларсиз йиғиштириб олишга қарор қилдилар

Ўтган мавсумларни яхши эслаймиз. Ҳар йили Жиззах шаҳри, тоғли ҳудудлардан минг-минглаб кишилар, талабалар, ишчи-хизматчилар, мактабларнинг юқори синф ўқувчилари ҳашарга жалб этилар, ҳатто Фарғона водийсидан ҳам ёрдамчилар таклиф қилишар эди.

«Ушовидан тушови қиммат» деганларидек, режа орқасидан қувиш тажрибаси ўзини оқламади. Ҳатто топшириқни бажарган баъзи хўжаликлар ҳам қарзга ботиб қолди. Боиси, минглаб ҳашарчиларнинг ойлаб овқатланиши, ётиб-туришининг ўзи бўладими? Уларнинг келиб-кетиши учун транспортга қанча маблағ керак?

Жорий йил мавсуми олдидан пахтакорликлар бундай ортиқча сарф-харажатларга батамом чек қўйишга қарор қилдилар. Фаоллар йиғилишида кўтарилган бу тўғридаги масала ҳар бир маҳалла, корхона, ташкилотда ўрганилиб, маъқулланди.

Йиғим-терим мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан ҳокимлик томонидан белгиланган тадбирларда ҳар бир ишчи кучи, техникадан унумли фойдаланиш, теримчиларга шароит яратиш ва ҳақ тўлаш масалаларига кенг ўрин берилган. Туманда машина терими бошланган кунлари «Бўстон» ҳамда А. Икромов номли ижара ширкатлар бирлашмаларида бўлиб, пахтакорлар аҳдининг қатъийлигига ишондик. «Бўстон» хўжалиги далаларида қўл теримида қатнашаётган 300 кишининг ўртача иш унуми 70 килограммдан кам бўлмаяпти. Гулнора Қурбонова, Зулфия Араповалар ўша куни 70 килограммдан пахта териб, кечқурун дала бошида ҳақларини олишди.

«Кейс» ҳайдовчилари Тўлабой Алиев, Тўйчи Маҳкамов, Маҳмуд Жонобиловлар теримнинг дастлабки кунлари 12-15 тоннадан хирмон тиклашди. Уларнинг шу кунлардаги кўрсаткичлари ҳам чакки эмас. Хўжалик раҳбари Юсуф Тўхташевнинг сўзига қараганда механизаторлар камида 300 гектар ердаги ҳосилни териб беришади.

Дарвоқе, туманда механизаторлар меҳнатига ҳам кунлик пул тўлаш жорий этилган. А. Темур номли жамоада ўзимиз бунинг гувоҳи бўлдик. Туман МТП отряди бошлиғи А. Азимов механизаторлардан Обид Муҳаммадиев, Баҳодир Улуғмуродов терилган пахта учун кунма-кун ҳақ олаётганликлари ҳақида қувониб гапирди.

— Давлатга 2680 тонна пахта сотишни режалаштирганмиз, — дейди уюшма раиси Нормурод Усаров. — Мавжуд 43 та деҳқон-фермер хўжалигининг ҳаммасида чамадаги ҳосил етиштирилган. Насиб этса, ҳосилдорликни 30 центнерга етказамиз. Бунинг учун барча имкониятлар бор.

Яна бир эътиборли томони, туман далаларида ишлаётган ҳар бир «Кейс»га биттадан назоратчи қўйилган. У пахтанинг тоза терилиши, механизаторларга яратилган шароит, терилган пахтанинг миқдори, сифати ва унинг вақтида топширилиши ҳамда механизаторга кунлик иш ҳақининг тўланишини кузатиб боради.

Ҳозир туман далаларида 30 та «Кейс» ишлаяпти. Эрта-индин улар сафига яна ўнта қўшилади. Таъкидланганидек, шаҳар ва маҳаллалар аҳолиси, мактаб ўқувчилари теримга жалб этилмаган. Шундай бўлсада, кунлик суръат пасаймаяпти. Пахтакорлар мавсум масъулиятини ҳис этиб, ҳар дақиқадан унумли фойдаланаяптилар. Демак, мавжуд ҳосилнинг барвақт йиғиштириб олинишига, белгиланган режаларнинг тез орада бажарилишига шубҳа йўқ.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Кимошди савдоси

НАСЛЛИ МОЛ КЕРАКМИ?

вилоятида ана шундай тадбир бўлиб ўтди. Унда жамоа ва ширкат хўжаликлари вакиллари, фермерлар ҳамда жисмоний шахслар қатнашдилар. Савдога 242 бош қизил чўл ва қора-ола зотли наслли моллар қўйилди..

Фермер Абдулла Рўзметов 740 килограмм вазнга эга элита синфига мансуб қизил чўл зотли наслли буқани 410 минг сўмга харид қилди. «Қорақум» фермер хўжалиги 8 бош ёш молнинг ҳар бирини 100 минг сўмдан, «Ёмғир» фермер хўжалиги беш бош тананинг ҳар бошини ўртача 107 минг сўмдан сотиб олди. Хуллас, шу куни ҳаммаси бўлиб 46 бош қорамол сотилди.

Илгари наслли моллар асосан хориждан олиб келинар, бунинг учун анчамунча валюта сарфланар эди. Эндиликда чорвадорларимиз бу иш билан жиддий шуғулланишга киришдилар.

Республика «Насл-хизмат» наслчилик уюшмаси зотдор моллар етиштириш, ва сотиш бўйича муайян тадбирларни амалга оширмоқда. Молларни кимошди савдоси орқали сотиш одат тусига кирди. Яқинда Хоразм

Ҳосил КАРИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 10 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:/*

1 Австралия доллари	161,40	10 Люксембург франки	65,17
1 Австрия шиллинги	19,11	1 Малайзия ринггити	79,59
1 Англия фунт стерлинги	437,65	1 Германия маркаси	134,43
10 Бельгия франки	65,17	1 Польша злотийси	66,42
1 Голландия гульдени	119,31	1 СДР	390,43
10 Греция драхмаси	7,75	1000 Туркия лираси	0,45
1 Дания кронаси	35,30	1 Финляндия маркаси	44,22
1 БАА дирҳами	82,34	1 Франция франки	40,08
1 АҚШ доллари	302,41	1 Швейцария франки	173,05
1 Миср фунти	82,51	1 ЕВРО	262,92
10 Испания песети	15,80	10 Жанубий Корея вони	2,71
100 Италия лираси	13,58	10 Япония иенаси	27,78
1 Канада доллари	201,19	1 Россия рубли	10,85
1 Хитой юани	36,52	1 Украина гривнаси	55,59

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

ЖЕЙНОВЛИКЛАР ҒАЛАБАСИ



Қўриқ Усмон Юсупов туманидаги «Жейнов» қишлоқ хўжалик кооперативи вилоятдаги иқтисоди бақувват хўжаликлардан саналади. Хўжалик — кўп тармоқли, аммо асосий йўналиши пахтачилик. Унда бу йил 2500 гектар майдонда ғўза парвариш қилинди.

Таъкидлаш керакки, бозор иқтисоди даврида ҳар бир жамоада ҳар бир ишчи-ходим ўзини ижтимоий жиҳатдан муҳофазаланганига кўзи етсагина, уларнинг меҳнатида унум бўлади. Бу жараён эса хўжаликнинг йилдан йилга ривожланишига, иқтисоди бақувват бўлишига йўл очади. Ушбу хўжаликда айнан шу кўриниш мавжуд. Ҳар бир ишчининг меҳнат ҳақлари ойма-ой бериб борилади. Хўжалик омборида дон ва ўсимлик мойининг доимо заҳирада туриши ҳам ишчиларнинг раҳбарга бўлган ишончини кучайтирган.

Ҳар йилгидек бу йил ҳам хўжалик аҳли сидқидилдан меҳнат қилмоқда. Яъни, йиғим-терим палласида икки мингдан ортиқ ишчи, йигирма иккита терим машинаси қатнашди. Меҳнат самарасиз кетмади — йигирма беш иш кунида 6700 тонналик хирмон уюлиб, йиллик режа бажарилди. Ҳосилнинг 4,5 минг тоннасидан ортиғи машиналарда терилди.

Ҳали хўжалик далаларида ҳосил мўл. Жейновликлар яна камида 1300 тонна пахта йиғиштириб, «оқ олтин» хирмонига тортиқ қилишни режалаштирганлар.

СУРАТЛАРДА: хўжалик далаларида; Усмон Юсупов туман «Агрокимётаъминот» очиқ ҳиссадорлик жамияти етакчиси (чапдан) Фатхулло Саидов ва хўжаликдаги 4-кичик ширкат бошқарувчиси Ҳамро Сафаров.

Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.

ЦЕМЕНТНИНГ БАҲОСИ ҚАНЧА?

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мисол учун, жорий йилнинг олти ойи мобайнида «Оҳангаронцемент» ҳиссадорлик жамияти томонидан вилоят миқёсида монопол маҳсулот ҳисобланган 384,2 минг тонна цементнинг 24 фоизи хусусий фирмалар ва тадбиркорларга сотиб юборилган. Буниси ҳам майли. Зарур қурилиш хомашёлари билан очиқчасига чайқовчилик қилинаётганига нима дейсиз? Ҳар тоннасининг декларация баҳоси 6060 сўм бўлган 1700 тонна цемент маҳсулоти хусусий тадбиркор Ёрмуҳамедов томонидан жамиятнинг ўзидан сотиб олиниб, қурилиш моллари бозорида савдо қилувчи тадбиркорларга ҳар тоннаси 8000-11000 сўмдан пулланган. Кўринадики, товар айланишидаги устама нарх 32-38 фоизни ташкил этаяпти. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Ахир, маҳсулот қўлдан-қўлга ўтгач, унинг баҳоси кўтарилиши ўз-ўзидан маълум-ку? Ҳеч ким зарарига ишламайди. Шундай экан, цементни фалон пулга сотиб олган «тадбиркорлар»ни ҳам анойи, деб ўйламанг. Улар маҳсулотнинг харид нархини 200-250 фоизгача ошириб, ҳар тоннасини 20000-22000 сўмдан пуллаётганликлари аниқланди.

Афсуски, бундай мисоллар оз эмас. Қурилиш ашёлари билан савдо қилиш ва уларга нарх белгилашда амалдаги меъёрий талабларга қатъий риоя этилмаётганлиги кишини ташвишлантиради. Текширишда аниқланишича, Сурхондарё вилояти Ангор туманидаги «Ангорсавдо» уйи томонидан «Бешкуталагроқурилиштаъмирлаш» ташкилотига цементнинг ҳар тоннаси 10543 сўмдан ёки қарийб 2 баробар қиммат баҳода етказиб берилган. Бу ҳол «мушт кетди» аъмолини ёдга солади. Қаранг, цемент хомашёси қурилиш ташкилотларига 74 фоизгача оширилган нархда сотилган бўлса, аҳолига 284-363 фоиз устамаси билан етиб бормоқда. Шу инсофданми, ахир? Сохта тадбиркорлик йўлига қачон ишончли ғов қўйилади?

Яна бир далил. «Қизилқумцемент» ҳиссадорлик жамияти бошқарувига монополияга қарши қонунчилик талаблари бузилишига чек қўйиш, қурилиш «уни» ҳисобланган цементни истеъмолчиларга воситачилар орқали эмас, тўғридан-тўғри сотишни ташкил этиш тўғрисида кўрсатма берилган эди. Кўп ўтмай, воситачи савдо уйлари фаолияти тўхтатилганлиги тўғрисида жавоб хати олинди. Аслида, бу ёлғон бўлиб чиқди. Нега десангиз, корхонада кўзбўямачилик ва манфаатпарастлик ҳолларига қатъий барҳам берилмаётир. Ўтказилган таҳлил жараёнида цемент маҳсулоти истеъмолчиларга тўғридан-тўғри эмас, балки «Савдо уйлари» ниқоби остида тузилган «Қизилқум-Рус-Нур» қурилиш корхонаси, «Қизилқумтепалик» ва «Тепалик» ишлаб чиқариш корхоналари каби воситачи ташкилотлар орқали сотилаётганлиги аниқланди. Ана шу «ёрдамчи» корхоналар муҳим қурилиш хомашёсининг белгиланган (Молия вазирлигида декларация қилинган) нархларига асоссиз равишда 10 фоизгача устама қўллаган ҳолда, истеъмолчилардан 6,9 миллион сўм ошиқча даромад олишган.

Монополияга қарши органлар томонидан берилган кўрсатмаларни бажармаганлиги учун, «Қизилқумцемент» ҳиссадорлик жамиятига нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда энг кам иш ҳақининг 300 баробари, яъни 525,0 минг сўм миқдорида жарима қўлланилди, шунингдек, «Қизилқумцемент — Тошкент» филиали, «Қизилқум-Рус-Нур» қўшма корхонаси, «Қизилқумтепалик», «Тепалик» ва «Голдцемент» ишлаб чиқариш корхоналари каби воситачи «Савдо уйлари»нинг фаолияти тўхтатилди.

Кузатувлар шуни кўрсатадики, ишлаб чиқарувчилар томонидан айрим маҳсулотлар таннархига хомашё харажатларини ноўрин қўшиб ҳисоблаш нархларнинг сунъий равишда ошишига олиб келмоқда. Масалан, «Ўзметкомбинат» ҳиссадорлик бирлашмасида монопол металл маҳсулотлари таннархига хомашё ва материаллар нархини ошириб киритиш ҳисобига истеъмолчилардан жами 5,05 миллион сўмлик, «Оҳангаронцемент» ҳиссадорлик жамиятида эса 710 минг сўмлик ортиқча ҳақ ундирилганлиги маълум бўлди.

Қинғир иш ҳеч қачон, ҳеч кимга манфаат келтирмаган. Бозор иқтисодиётининг темир қонунлари саракни саракка, пучакни пучакка ажратаяпти. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Текширишлар давомида аниқланган ва истеъмолчилардан асоссиз равишда олинган 13,4 миллион сўмлик, белгиланган тартибдаги жарима билан қўшиб ҳисоблаганда жами 26,1 миллион сўмлик маблағни давлат бюджетига ўтказиш тўғрисида тегишли қарор қабул қилинди. Фақат шугина эмас. Мавжуд молиявий камчиликларни бартараф этиш, ушбу ҳолатларнинг юзага келишига сабабчи бўлган мансабдор шахсларга нисбатан амалдаги қонунчилик доирасида тегишли чора белгилаш юзасидан қўмитанинг ҳудудий бошқармалари томонидан юқорида эслатиб ўтилган корхона ва ташкилотларга ёзма кўрсатмалар берилди.

Айтилган фикр-мулоҳазалардан хулоса шуки, ойни этак билан ёпиб бўлмайди. Адолатнинг арқони узун. Тор шахсий манфаатлар йўлидаги ҳар қандай кўзбўямачилик эртами-кечми ошкор бўлади ва ўзининг тегишли қонуний баҳосини олади. Бу барча учун сабоқ бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси матбуот хизмати.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ АХБОРОТНОМАСИ»ГА 2001 ЙИЛ УЧУН ОБУНА БОШЛАНДИ

«Ахборотнома»га йил бўйи обуна бўлишингиз мумкин, аммо ҳозир унга обуна бўлишнинг энг қулай пайти.

«Ахборотнома»да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган қонун ва қарорлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарорлари, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларига киритилаётган қўшимча ва ўзгартишлар эълон қилиб борилади.

Бу, айниқса, вазирлик ва идораларнинг, давлат ташкилотлари ва жамоат бирлашмаларининг раҳбарлари учун, мулк шаклидан қатъи назар, барча корхоналар ва ташкилотларнинг бошлиқлари ва мутахассисларига, иқтисодчилар ва ҳуқуқшуносларга ҳамда юридик билимга қизиқувчи барча муштарийларга бағоят керакли нашрдир.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси» ҳар ойда ўзбек ва рус тилларида, бир жилдда чоп этилади.

«Ахборотнома»нинг индекси 887 бўлиб, каталог бўйича баҳоси: бир ойга — 531 сўм; уч ойга — 1593 сўм; олти ойга — 3186 сўм; бир йилга — 6372 сўм.

Ҳар бир алоқа бўлимида «Ахборотнома»га обуна бўлиш шартлари ҳақида янада муфассалроқ маълумотлар олиш ва обунани бетўхтов расмийлаштириш мумкин.

БЕШ ҚИТЪА ДАРАКЛАРИ

Жан Клод Ришар: «ЎЗБЕКИСТОНГА ЯНА КЕЛАМАН»

— Ўзбекистон билан хайрлашиш мен учун оғир, — деди Франциянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жан Клод Ришар ўз ваколат муддати тугаши муносабати билан ўтказилган матбуот анжуманида. Мен мамлакатингизда беш йил ишладим. Бу элчи учун анча узоқ муддат, аммо назаримда, Тошкентга худди кечагина келгандекман. — Менинг мамлакатингиздаги фаолиятим воқеаларга бой бўлди. Ёдимда, ишимнинг бошланиши Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Парижга ташрифига тўғри келди. Айнан ушбу ташриф давомида Франция Президенти Жан Ширак ва Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ўртасида самимий, ишончли муносабатлар ўрнатилди.

Ж.К.Ришар Ўзбекистон - Франция ҳамкорлиги хусусида тўхталар экан, мамлакатимизда амалга оширилган

Эътироф

Франция лойиҳаларининг деярли барчаси муваффақиятли бўлганлигини таъкидлади.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Тошкент аэропорти реконструкцияси, пойтахтдаги ҳашаматли «Шератон» меҳмонхонаси шулар жумласига киради. Мазкур лойиҳалар амалий муносабатларимизнинг истиқболли эканлигини намойиш этди.Элчининг сўзларига қараганда, икки мамлакат ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ўтган олти ой ичида 105 миллион АҚШ долларини ташкил қилди.

— Ҳеч шубҳа йўққи, умримимнинг энг гўзал дамлари Ўзбекистонда ўтди. Қолаверса, ўзга юртларда кўрмаган меҳр-муҳаббатни юртингиздан топдим. Насиб этса, Ўзбекистонга яна келаман. Мамлакатингиздан кетар эканман, Ўзбекистонни, унинг маданияти ҳамда халқининг меҳмоннавозлиги, қайноқ меҳрингизни ўз қалбимда олиб кетаман, — деди Жан Клод Ришар сўзининг якунида.

Бугунги Атланта

Воқеалар, рақамлар, тафсилотлар

КОШТУНИЦА ҚАСАМЁД ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Куни кеча Югославиянинг янги раҳбари В.Коштуница мамлакат парламенти депутатлари олдида президент сифатида расман қасамёд қабул қилди. Янги раҳбар Югославия бундан буён халқаро сиёсий майдонда фаол иш юритишини маълум қилди. У, шунингдек, тузилажак янги ҳукумат раҳбарлигига Черногория социалистик халқ партияси вакили тайинланишини ҳам айтди. Бу билан у расман Белград Черногорияни Югославия иттифоқи таркибида қолдиришга интилишини маълум қилди.

Умуман олганда, Югославия сиёсий ҳаётидаги бундай ўзгаришлар дунё мамлакатлари томонидан ҳозирданоқ қўллаб-қувватланмоқда.

МУЗОКАРАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Шу кунларда Яқин Шарқда бўлаётган воқеалар халқаро ҳамжамият диққат марказида турибди. Негаки, Париж ва Қоҳирада бўлиб ўтган кўптомонлама мулоқотлар натижасиз тугагач, минтақадаги вазият янада кескинлашди.Бироқ ўтган якшанба куни Исроил ва Фаластин томони Ғарбий соҳил ва Ғазо секторида ўт очишини тўхтатиш хусусида яна бир бор келишувга эришдилар. Табиийки, ушбу аҳднома минтақага нима беришини вақт кўрсатади.

ПРЕЗИДЕНТ ИШОНЧ БИЛДИРДИ

Якшанба куни литваликлар мамлакатнинг янги Парламенти таркибини сайладилар. Мутахассисларнинг таъкидлашича, сайловда иштирок этганларнинг сиёсий фаоллиги ҳар қачонгидан ҳам юқори бўлган. Дастлабки маълумотларда айтилишича, бўлиб ўтган сайловда социал-демократик коалиция ва «Янги иттифоқ» партияси юқори натижаларга эришган. «Янги парламент аъзолигига сайланган депутатлар Литвани Европа иттифоқи ва НАТОга интеграциялашуви йўлида саъй-ҳаракатлар қилишига ишонаман», - деди мамлакат президенти А.Адамкус.

«ШАФҚАТЛИ» ҚОНУНЛАР

Нидерландия полициясининг сунъий гиёҳванд моддаларга қарши кураш бўлими ўтган йили юздан ортиқ махсус таъбир ўтказиб, 3,6 миллион дона ўткир таъсир қилувчи дори мусодара қилинганини билдирди. Гиёҳванд моддаларнинг бу қадар оммалашувига Нидерландия қонунларининг бангиларга нисбатан бирмунча «раҳмдиллиги» ҳам сабаб бўлаяпти. Бундан ташқари, Нидерландияда бола ўғирлаш ҳам авж олган. Яқинда Лагос шаҳрида ушланган 31 ёшли Екина Ифалово камида юз болани ўғирлаганини тан олди. Ўзининг эътироф этишича, у бундай жиноий бизнес орқасидан икки йил ичида 11 минг АҚШ долларини ишлаб олган.

«Интернет» хабарлари асосида тайёрланди.

Нафосат сабоқлари

ЭЪТИҚОД КИЙИМДАН ЭМАС, ҚАЛБДАН БОШЛАНАДИ

Аждодларимизга ўхшаб яшаш, уларга хос афзалликларни йўқотмаслик фарзандликнинг ҳам қарзи, ҳам фарзидир. Ота-онамизга кўрсатган ҳурмат-эҳтиромларимизнинг астойдил ёки шунчакилиги улардан кейин маълум бўлади. Солиҳ фарзанд ота-онасидан айрилгач, қарздорлик туйғусини аввалгидан зиёдроқ сезади. Уларнинг руҳини шод айламак учун, қолаверса, ота-онасини кўргандай, уларнинг тафтини ёнида туйгандай бўлиш учун, ўшаларга ўхшаб яшаш, уларга ёққан, улар авайлаган удумларни асрашга бажонидил уринади. Омон бўлсин шу уйғоқ туйғулар! Яшасин ота-онасининг руҳини шод қилмоққа интилган фарзанди содиқлар! Зеро, миллийлик, ўзига хослик шуларнинг шарофати билан омон қолади.

Одам боласи ерга тушган заҳоти биринчи эшитгани «Илоҳим, боши тўйдан чиқмасин», деган дуодир. Миллатнинг ўзига хос қирралари унинг маросимларида кўринади, тўғрироғи, кўриниши шарт!

Хўп, бошқаларни қўя турайлик, миллатнинг энг олдида борадиган зиёлилардан сўрай: сиз қизингизни никоҳ тўйида қандай кийинтираяпсиз? Аниқроғи, қайси миллатнинг кийимини кийдираяпсиз? Бошидаги бир парча тўри французча, кўйлаги инглизча, юзининг очиқ туриши ўриёча! Болангизни шу кепатада кийинтириб кимнинг руҳини шод қилаяпсиз? Шу туришида улар чиройли деб ўйлайсизми? Бу кийимларни бугунги кунда ўша миллатнинг ўзи ҳам киймай қўйган, биродар! Сиз бу ишингиз билан суягидан тонган султонсиз! Руҳларнинг норозилиги болангизнинг бахту тахтини зилзилага солишини билмайсиз-да!

Гўзал тилла қошлар, зебигардонлар, юзнинг ҳарир оқ ёпинчиқлари, гўзал пойжамалар, сиқма бел кўйлак, камзуллар, миллий ковушлар ҳеч йўқ тўйда кийилмаса, аждодлар бизнинг мисолимизда кимни қолдириб кетган бўлади ахир?! Ота ёди қани, қани момолар ёди?! Оллоҳ раҳмат қилгур Абдулла Қаҳҳорда «грузинларда маданият тарихига оид бўлса, отнинг тақасини ҳам гиламнинг устига илиб қўядилар» деган гап бор эди. Либослари билан нафақат Оврупо, бутун дунёнинг кўзини куйдирган буюк Шарқмиз-ку ахир! Нега ҳеч йўқ тўйларимизда кимлигимиз билан фахрланиб қолмаймиз?! Буни аввал сиз, мен ва сафдош зиёлилар ўзида намоён қилмаса, қадриятларимиздан жон кетади ахир!

Оллоҳ яратган буюк мавжудлик — ИНСОНнинг шу жисми жони ҳам ҳақиқат! Шундоқ юравериши ҳам мумкин эди. Аммо уни ёмон кўз ва ёмон сўздан фориғ қилиш учун либос жорий қилинган. Аждодлар бирбирларига бўлган ҳурмат-эҳтиромларини ҳам улар қошига кийиб чиқадиган либослари орқали изҳор қилганлар, аввалдан рисоладаги оилаларда қизлар оталари, акалари ишдан келишига саришта, тизза-ю иликларини ўраб турадиган кийимлар кийиб олганлар. Ҳатто тунги кўйлакларининг енглари узун, тўкис бўлса ҳам, аёллар катта фарзандларига шу алфозда кўринмаганлар. Бу диний нуқтаи назар эмас, бизнинг азалий одоб ўлчовларимиз, миллий дидимиз, кўникмаларимиз шундай!

Она бўлган оймлар, тарбиячилик насиб этиб, бола улғайтириб, кўчага чиқарган муҳтарам зотлар! Уни қўйинг, сиз қизингизни кўчага қай аҳволда чиқараяпсиз? (Мен бу мурожаатни ҳаммага айтмаяпман, гап эгасини топади!) Қиз бола — Оллоҳнинг беназир мўъжизаси, поклик тимсоли, минг бир парда ичра яширин туриши керак бўлган гавҳар! Сиз эса, муҳтарам ота-оналар, хазинабонсиз. Бу гавҳарни сиз асрамасангиз, у ўзини қандай асрасин? Болангиз ҳали бола, қадриятни сиз эслатмасангиз, у қайдан билсин?! Айтинг-чи, улар кияётган «мини» юбкалар, ёни белигача қийилган кўйлаклар сизга маъқулми? Енги йўқ, ёқаси йўқ, елкасига боғич билангина боғланган, узунлиги белини ҳам ёпмайдиган майкада чиқиб кетаётган қизини кўрганда, наҳот оталарининг юзи қизармайди? Наҳотки, хавотир олмайди? Кўчадаги яхши-ёмон кўз «Бу қиз шу очиқ-сочиқ туришида нима демоқчи» демайдими? Курмак феълликлар йўқми дейсиз?! Паранжи ёпиниш бидъат! Аммо Шарқ қизи бўла туриб, ўзбеклар қуршовида яшаб, ўзбеклар тунда ҳам киймайдиган узуқ-юлуқ кийимлар билан кўзлар, назарлар бозорига ўзини солиш — уят иш-ку ахир!! Ўзингиз ёшлигингизда бундай юрмагансиз-ку! Агар ота-онангиз сизга қаттиқ турган бўлса, қолоқлиги учунмас, зотингизнинг обрўсини сақлаб шундай қилганку! Сизга келганда одоб пардаси кўтарилган бўлса, бу миллий қадриятнинг топталиши! Бу ўзликдан тонишдир!

Миллат фарзандининг илми, мартабаси ошган сари миллий руҳ ва миллий феъл унда яхлитланиб бориши лозим, шундайлардан умид, шундайлар миллатни асрайдилар, юксалтирадилар.

Энди баҳорги қўзиқоринлардай бор бўлиб, йўқ бўлиб турган ҳижоб ҳақида тўхталсак. Мен фикрларимни фақат ҳижоб кийганларга эмас, уни кийишни маъқуллаган ва кийишга тайёр турганларга ҳам қаратмоқчиман. Диннинг мақсади Худонинг борлигига ва унинг мўъжизаларига бандаларини ишонтиришдир. Художўйлик ботиний, дил ишидир! Қуёшнинг нури терингдан этингга, этингдан суягингга қараб борса, Оллоҳга бўлган муҳаббатинг эса ичу бағрингнинг жон нуқтасидан бошланиб, аввало, дилингга, феълингга, кейин тилингга ва сўнгра юзингга нур беради. Ҳар бир инсонга ўша нурланиш насиб этсин, ҳар бир банда ўша нурланишнинг ишқида яшаши керак! Бу жараён ниҳоятда пинҳоний, ниҳоятда шахсийдир! Уни кўз-кўзлашнинг, писанда қилишнинг ўзида мусулмончиликни мукаммал билмаслик кўринади. Сиз ҳижоб кийиб, «Мусулмон одам мана бундай юради» демоқчи бўлдингизми? Бир аср давомида дин тақиқланиб, бўлганимизча бўлиб, энди дориломон кунларга етганимизда, эътиқодимизни топганимизда, сизнинг ҳижобда ўртага тушишингиз кони зиён бўлди, биродар! Намоз ўқиса-ю рўза тутса, эрлар соқол қўйса-ю аёллар ҳижобга кирса ва тўйлари исломий бўлса, тамом, мусулмончилик шу деган хулосага келиб қолишларидан хавотир олмадингизми?! Эътиқод деган нарса Эроннинг аллақайси мазҳаби киядиган рўдапо кийимдан эмас, дастлаб киши юрагининг туб-тубидан бошланмайдими? Муқаддас китобларда, аввало, бировларнинг эътиборини тортадиган иш қилмаслик буюрилади. Яъни дарёнинг оқимига қарши бориш, «Ҳамма аҳмоқ, мен доно» қабилида иш тутиш қораланади. Эътибор берсангиз, кўча-кўйда очиқ аёлдан кўра, бизга ёт бўлгани учун ҳижобликни кўпроқ кузатадилар. Шу аёл қалби дин билан ҳақиқий нурафшон бўлганда эди, одамлар назаридан холи бўлай деб ҳам ҳижобга бурканмасди, асил мусулмончиликнинг амаллари билан машғул бўларди. Асил мусулмончилик эса, Оллоҳ ризолиги ва унинг буюк неъмати бўлмиш — бандаларининг ризолиги учун иш қилишдир.

Ҳижоб, эҳтимол, қай ўлкаларда миллий кийим бўлгандир, балки кейинчалик ўшалар учун диний маъно касб этгандир. Бу — уларнинг иши! Биз эса, бир минг тўрт юз йиллик мусулмончилик жараёнида ислом илмининг энг буюк алломаларини бера олдик! Исломшуносликнинг чўнг мактаблари бизда бино бўлди! Оллоҳнинг бу марҳаматлари бизга насиб этишининг ўзида сир бордир, алоҳида маъно бордир. Аммо аждодларимизнинг бу мартабага эришиши учун аёлларининг ҳижоб кийиши шарт бўлмади! Ёнимизда яшаб, ишлаб бораётган эркаклар ҳам буюк бухорийлар сулоласидир, хавотирга ўрин йўқ.

Шиоримиз комилликка интилиш бўлсин! Ғуруримиз шарму ҳаё бўлсин!

Турсуной СОДИҚОВА.

Газета муштарий учун

СЎЗ — ГАЗЕТХОНГА

...Нега сайловчилар ишончини оқламаган депутатлар ҳақида ёзмайсизлар? Ахир номзодлар қоп-қоп ваъдани газетангиз орқали беришганди-ку?!

Солижон ТОЖИБОЕВ.
Фарғона вилояти.

* * *

Газетхонлар фикрини ўрганиш бўйича бўлим тузилаётгани яхши бўлибди. Кейинги пайтларда одамлар орасида «Газеталарда ҳам ўқийдиган нарса қолмади» деган гаплар эшитилаяпти. Демак, «Халқ сўзи» бирхилликдан қочиши керак.

Тошбек ОЧИЛОВ.
Иштихон тумани.

* * *

Машҳур ёзувчи-шоирлардан кўра минбар тополмаётган ижодкорларнинг машқларига кенгроқ ўрин ажратилса. Ўшанда халққа янада яқинлашасизлар.

Озод ОТАЖОНОВ.
Элликқалъа тумани.

* * *

Очиғи, шунча пул топиб, обуна бўлиш қийин. Биз маҳаллада кўплашиб «Халқ сўзи»га ёзилдик. Гузарга чиқиб, ўқийверамиз. Бошқа жойларда ҳам шундай қилишса, яхши бўларди.

Собит АҲМЕДОВ.
Пахтаобод тумани.

* * *

«Жумбоқ»ларни кузатиб бораман. Бугунги сонда берилган жумбоққа ким тез ва тўғри жавоб берганини эртаси куни ўқияпмиз. Агар қизиқарли кроссворд, сканвордлар ҳам берилса, айни муддао бўларди.

Турсунали РАҲИМОВ.
Янгиқўрғон тумани.

ҲИКМАТ

Товуқ есанг, бир ейсан,
Тухум есанг, минг ейсан.

Эшитдингизми?

Ҳурматли «Халқ сўзи» ижодкорлари! Миш-мишларга қараганда, биринчи жаҳон чемпиони Руфат Рисқиев мураббий сифатида катта боксга қайтмоқчи эмиш, ўз мактабини очармиш. Умуман, собиқ чемпион айни кунда нима билан машғул? Шулар ҳақида маълумот берсанглар.

Умрбек СУЛТОНОВ,
Низомий номидаги ТДПУ талабаси.

РУФАТ РИСҚИЕВ БОКСГА ҚАЙТМОҚЧИ

Кўҳна Тошкентнинг Кўкча даҳаси. Бунда беш-олти нафар болакайни ҳамма танирди, кўпчилик ҳавас билан боқарди, ҳатто. Исмлари Вали. Пўлат, Борис, Олег, Баҳодир бўлган бу болалар бошқалардан ажралиб турардилар. Тенгқурлари қатори кўча чангитиб, ошиқ ўйнамасдан акробатика, бокс тўгаракларига қатнашарди улар. Айниқса, Руфат дегани оғир, босиқ, аммо ўта қатъиятли эди. Онда-сонда муштларини тугиб, гап қотарди у: «16 ёшимда жаҳон чемпиони бўламан».

Юқоридаги кўриб турганингиз суратда (1955 йил олинган) онаси билан тушган беғубор болакайнинг бу шиддатига фаришталар омин, деган экан шекилли, у ҳақиқатда чемпион бўлди. Тўғри, 16 ёшида эмас-у, аммо барибир сўзининг устидан чиқди.

Руфат ака билан суҳбатимиз газетхонимизнинг юқоридаги саволидан бошланди.

— Боксга қайтмоқчи, дейилса, балким унчалик тўғри бўлмас. Чунки бокс менинг ҳаётим, уни ҳеч қачон бутунлай тарк этган эмасман, — дейди Р. Рисқиев. — Танганинг иккинчи томонини олиб қараганингизда эса, анча узоқлашиб кетганимни тан олишга мажбурман. Бунинг ҳам ўзига хос сабаблари бор, албатта. «Бисёр бўлса агар, бол ҳам беқадр», деб ёзган шоир нақадар ҳақлигини ҳаётий тажрибамда кўрганман.

Биласизми, қўпол қилиб айтганда, мени боксдан «бездирган» ўз мухлисларим, бевосита ва билвосита танишларимдир. Тасаввур қилинг: умумжамоат транспортига чиқдим. Қисқача саломаликдан сўнг саволга тутишади: «Кеча боксни кўрдингизми? Ана униси жуда кучли экан, танийсизми? Кубалик дедими-ей». Таксига ўтираман — яна бокс. Эрталаб ошга чиқаман — яна бокс, бокс...

Тўғри, мен жаҳон чемпиони бўлганимдан фахрланаман. Бироқ бу Руфат Рисқиев бокс «ҳовузидаги тилла балиқча»лигини англатмайди-ку. Ахир мен ҳам бошқа мавзуда яхши суҳбатдош бўлишим мумкин-ку. Масалан, адабиётни жуда севаман. Вақтим бўлди дегунча қўлимга китоб оламан, мутолаа қиламан. Лекин адабиётчи ҳам мендан боксни сўрайди. Сиз журналистлар-ку, боксдан бошқа нарсани тушунмайди, деб ўйласангизлар керак.

— **Модомики шундай фикрда экансиз, келинг, аввал бокс ҳақида гаплашиб олайлик, кейин бошқа мавзуга ўтамиз.**

— Розилик бермасдан иложим қанча.

— **Мураббий сифатида боксга қайтишга қарор қилганингиз ростми?**

— Элнинг оғзига элак тутиб бўлмайди, дегани шу экан-да. Чунки бу масалани бир-икки дўстларим ва яқинларим билан муҳокама қилгандик, холос. Бирпасда бутун мамлакат эшитибди. Очиғини айтиб қўяқолай, шундай ниятим бор. Лекин ҳали қатъий қарорга келганим йўқ.

— **Демак, Руфат Рисқиев мактаби очилиши ҳам ҳақиқат экан-да?**

— Ҳозирча буни инкор қиламан. Боиси, мақтанди десангиз ҳам айтай: мен бокс профессориман. Таълим соҳасидан биласизки, профессор шогирдига алифбони ўргатмайди. Балки маълум маънода эгаллаган билимларини янада чуқурлаштиришга кўмаклашади. Худди шунингдек, профессор Рисқиев ҳам рингда «дўппослашиш»дан чўчимайдиган ёшларни катта «жанг»ларга тайёрлайди.

— **Табиийки, жаҳон чемпиони бўлишингизда ўзингизнинг «дўппослашиш» усулларингиз қўл келган. Бугун ўша усулларни кенг оммага ошкор эта оласизми? Ва профессор Рисқиевнинг бўлажак шогирдлари ҳам ундан баҳраманд бўлишадими?**

— Албатта. Чинакам кучли боксчи бўлиш учун, даставвал, ўтли, шердагидай юрак керак. Иккинчидан, тиниқ тафаккур, аниқ мақсадга бўйсиндирилган ақл зарур. Ундан кейингина енгил оёқлар, чаққон ва кучли қўлларга таянилади. Шу тамойиллар асосида шунча йил бокс тушиб, кам бўлганим йўқ. Масалан, энг кучлилардан саналган Куба мамлакатининг саккиз нафар вакили билан рингга чиққан бўлсам, фақат иккитасини очколар ҳисобида енгганман. Қолган олти нафари накаут бўлган.

— **Руфат ака, мана энди ваъдага вафо қилиб, боксдан бошқа мавзуга ўтсак.**

— Бажонидил.

— **Катта бир йиғинда Юртбошимиз сизни бағриларига босиб табриклагандилар. Айтинг-чи, ўшанда хаёлингиздан нималар кечди?**

— Ўша пайтдаги ҳаяжон, ҳис-туйғуни сўз билан ифодалаш қийин. Шунинг учун ҳам у ТУЙҒУ. Менинг туйғум. Минг сўзамол бўлманг, бундай лаҳзаларни иккинчи шахсга ўзингиз ҳис қилгандек англата олишингиз мушкул. Фақат бир нарсани айтишим мумкин: 1974 йили финалда Алекс Нестекни мағлуб этиб, жаҳон чемпиони бўлганимда ана шундай ҳаяжон оғушида бўлгандим.

— **Истаймизми-йўқми, суҳбатимиз мавзуси яна боксга ўзгарди. Шунинг учун ҳам, келинг, гурунгимиз ниҳоясида устозларингизни эслаб ўтсак.**

— Баранов, Гранаткин.

— **Шогирдларингиз эъзозида яшаш ва уларнинг жаҳон ҳамда Олимпиада чемпиони бўлганини кўриш насиб қилсин.**

— Раҳмат.

Озод РАЖАБОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЭНГ

ЕНГИЛ САМОЛЁТ Венгриянинг Печ шаҳридаги «Паннонавто» корхонаси мутахассислари томонидан яратилган бўлиб, оғирлиги 150 килограммни ташкил қилади ва соатига 60 километр тезликда уча олади.

ЭНГ

МИТТИ РАНГЛИ ТЕЛЕВИЗОР «Си-Ви-I» деб номланган бўлиб, Японияниг «КАСИО» фирмасида ишлаб чиқарилган. Унинг баландлиги 9,1, эни 6, қалинлиги эса 2,4 сантиметрни ташкил этади, холос.

ЭНГ

ҚАДИМГИ СЕВГИ МАКТУБИ эронлик мутахассислар томонидан қидирув ишлари вақтида топилган. Маълум бўлишича, эрамиздан 2200 йил муқаддам бир йигит ўз маъшуқасига севги изҳор этиб, хат ёзган. Лекин бу дилрозини суюклиси ўқигани ё ўқимагани номаълум. Чунки у 16 килограмм келадиган тошга ўйиб ёзилган экан-да.

Футбол: ўртоқлик учрашуви

МИРЖАЛОЛ, МАКСИМ ВА БОШҚАЛАР

Ўзбекистон — Туркманистон 3:0

Илгари хабар қилганимиздек, 8 октябр куни мамлакатимиз терма жамоаси Ливанда бўлиб ўтадиган XII Осиё кубоги баҳсларига жўнаб кетиш олдидан туркманистонлик чарм тўп усталари билан халқаро ўртоқлик учрашуви ўтказди.

Терма жамоамизнинг 1997 йилдан буён ўз майдонида ўйин ўтказмаганлиги, шунингдек, Туркманистон билан келаси йили жаҳон чемпионатининг саралаш беллашувларида бир гуруҳда тўп суриши мухлис ва мутахассисларнинг учрашувга бўлган қизиқишини орттирди.

Гарчи баҳсда Рустам Дўрмонов ҳамда Максим Шацких (2 та)нинг чиройли голларидан кейин жамоамиз 3:0 ҳисобида ғалаба қозонган бўлса-да, ўйинчиларимиз ҳаракати бир-бирига унчалик мос тушавермади. Айниқса, ҳар икки қанот ҳимояси бўшлиги кўзга ташланиб қолди. Буни ўйиндан кейин ўтказилган матбуот анжуманида бош мураббий Ю. Саркисяннинг ўзи ҳам тан олди.

— Футболчилар ҳаракатига келсак, — дейди Юрий Вазгенович, — А. Фёдоровдан бошқа йигитлардан кўнглим тўлди. Тўғри, ўйин суръати юқори бўлмади, лекин кўзлаган мақсадимизга эришдик. Бундан ташқари, футболчиларимизга кутилмаган жароҳатдан сақланиш қатъий топширилган эди. Ўйлайманки, Ливанда умуман бошқача ўйин намойиш этамиз. Ҳар битта учрашувда фақат ғалаба учун майдонга чиқамиз.

Дарвоқе, Япония оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон терма жамоаси гуруҳда энг кейинги ўринлардан бирини олади, деб тахмин қилишибти. Миржалол Қосимов, Максим Шацких каби моҳир футбол юлдузларини ўз сафига бирлаштирган терма жамоамиз аъзолари кунчиқар юрт журналистларининг тахминини пучга чиқариш мақсадида бугун кечқурун Ливанга учиб кетишади. Эслатиб ўтамиз, ҳамюртларимиз дастлабки учрашувни 14 октябр куни Катар терма жамоасига қарши ўтказишади.

Озод БЕК,
«Халқ сўзи» мухбири.

МИНОРАЛАР МУСТАҲКАММИ?

Москвадаги Останкино минорасида рўй берган ёнғиндан кейин кўпчилик бу ноёб иншоотлар ҳақида қизиқиб қолди. Газетхонларимиз Ер юзида яна қандай телеминоралар мавжудлиги ҳақида сўраганликлари туфайли қуйидаги маълумотларни берамиз.

Эмпайр-стейт-билдинг. АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида. 1931 йилнинг 1 майида ишга туширилган. Баландлиги 443 метр.

Останкино. Москва шаҳрида. 1967 йил 7 ноябрда ишга туширилган. Баландлиги 540 метр.

Берлин телеминораси. Германиянинг Берлин шаҳрида. 1968 йил 3 октябрдан ишлайди. Баландлиги 365 метр.

Канада миллий минораси. Канаданинг Торонта шаҳрида 1976 йил 26 июнда ишга тушган. Баландлиги 557 метр.

Тошкент минораси. Ўзбекистоннинг Тошкент шаҳрида. 1985 йил 15 январдан буён ишлайди. Баландлиги 375 метр.

Тянцзин телеминораси. Хитойнинг Тян-Цзин шаҳрида. 1991 йил 1 октябрда ишга туширилган. Баландлиги 415 метр.

Марказий радиотелеминора. Хитойнинг Пекин шаҳрида. 1992 йил 30 сентябрда ишга туширилган. Баландлиги 405 метр.

«Шарқ дурдонаси» минораси. Хитойнинг Шанхай шаҳрида. 1995 йил 1 майда ишга туширилган. Баландлиги 468 метр.

Кўриниб турибдики, Тошкентимизда барпо этилган минора ҳам дунёда бармоқ билан саналадиган иншоотлар қаторига кирар экан. Тошкент минораси бундан ҳам баланд бўлиши мумкинмиди? Ҳа. Фақат ўша даврда бунга «марказ»дан изн бўлмаганлигини ҳали-ҳануз гапириб юришади.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги «Ўзмелиосувтранс» очиқ ҳиссадорлик жамияти жамоаси ишлаб чиқариш техника тарғиботи бўлими бошлиғи **Ҳамроали ЖАЛИЛОВнинг** бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат қурилиш банки «Ўзсаноатқурилишбанк» жамоаси II жаҳон уруши қатнашчиси, шахсий нафақахўр, банк фахрийси **Аброр ҒУЛОМОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат қурилиш банки «Ўзсаноатқурилишбанк» жамоаси Ходимлар билан иш олиб бориш бошқармасининг бўлим бошлиғи Сирожиддин Мадраҳимовга отаси **ТОЖИДДИН отанинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
Ҳуқуқ — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 133-78-92;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 916,
18042 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II [illegible] компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — А. ҲАЙДАРОВ.
Навбатчи — Д. ТУРҒУНОВА.
Мусаҳҳиҳ — А. САТТОРОВ.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
топширилди — 21.50
1 2 3 4 5 6